

7. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

- 7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятни бошқаришнинг олий органидир.
- 7.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.
- 7.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.
- 7.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.
- 7.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:
- а) Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
 - б) Жамиятни қайта ташкил этиш;
 - в) Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
 - г) Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
 - е) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;
 - ж) Жамиятнинг устав капиталини камайитириш;
 - з) ўз акцияларини сотиб олиш;
 - и) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бош директорини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - к) Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
 - л) Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
 - м) Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
 - н) Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
 - о) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
 - п) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
 - р) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;